АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МУАММОЛАРИ (СОЦИОЛОГИК СЎРОВ АСОСИДА)

А.ИСАЕВ

В статье на основе анализа результатов проведенного автором социологического опроса освещены проблемы транспортного обслуживания населения в Андижанском вилояте.

The article deals with solving the problems of public transport servicing in Andizhan region on the basts of analysis of results of sociological consultation held by the author.

Ҳозирги даврда фан ва техника ривожланишини ўзида мужассамлаштирган миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган саноат ва транспорт ҳар қандай ҳудуднинг ривожланишида асосий омил ҳисобланади.

Муаллиф томонидан вилоят транспортининг аҳолига хизмат кўрсатиш ҳолатини ўрганиш бўйича 23 та саволдан иборат социологик сўров ўтказилди. Мазкур сўровнома еттита туманда махсус дастур асосида олиб борилди. Сўровномада жами 2783 та респондент иштирок этди.

Табиий шароити, географик ўрни, хўжалигининг ривожланиш суръатлари ҳар хил бўлган туманларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси бир-биридан фарқланади. Ушбу тадқиқот юқоридаги ҳолатларни эътиборга олган тарзда амалга оширилди.

Географик жиҳатдан социологик сўров вилоятнинг, асосан, янги ўзлаштирилган Бўз (363 та респондент), адир минтақасида жойлашган Жалақудуқ туманида (407 та), вилоят маркази атрофидаги Андижон туманида (475 та), Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Пахтаобод (325 та), суғорма деҳқончилик ривожланган Балиқчи (450 та), эски ўзлаштирилган Избоскан (442) ва тоғ олди ҳудудда ўрнашган Булоқбоши туманларида (321) ўтказилди.

Сўровномада иштирок этганларнинг 42 фоизи эркаклар, 58 фоизи аёллардан иборат турли касб эгаларидир. Тадқиқотда респондентларнинг шахсий автомобили борлиги ҳам назарда тутилган бўлиб, бундан мақсад уларнинг бевосита транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларидан фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат эди. Жумладан, "*Шахсий автомобилингиз борми?"* деган саволга Андижон ва Булоқбоши туманидаги респондентларнинг 15,3-18,5 фоизи "бор" деган жавобни берганлар. Қолган туманларда эса сўровномада қатнашганларнинг 7-10 фоизи шахсий автомобилга эга эканлигини билдиришган.

Ўрганилаётган ҳудудларда транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий ҳолатини ўрганиш мақсадида *"Сиз яшаётган жойда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий аҳволини қандай баҳолайсиз?"* саволи билан мурожаат этилди. Бу савол минтақаларда умумий транспорт хизмати кўрсатиш ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

1-жадвал.

"Сиз яшаётган жойда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий аҳволини қандай баҳолайсиз" саволига олинган жавоблар (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Жуда яхши	Яхши	Ўрта	Ёмон	Билмадим
1	Андижон	61,0	17,3	16,5	4,0	1,2
2	Балиқчи	8,4	18,6	65,6	5,3	2,1
3	Бўз	25,7	38,2	17,7	12,0	6,4
4	Булоқбоши	2,2	18,0	65,6	10,2	4,0
5	Жалақудуқ	34,1	46,3	11,5	8,1	-
6	Избоскан	74,6	12,8	6,4	3,5	2,7
7	Пахтаобод	38,6	5,4	37,5	17,7	0,8
	Жами	34,9	22,5	31,6	8,7	2,3

*Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган социологик сўровнома асосида тузилди.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий ҳолати "жуда яхши" деб жавоб берганларнинг энг кўпи Избоскан (74,6 %) туманига тўғри келмоқда (1-жадвал). Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий ҳолатини "жуда яхши" деб ўз муносабатини билдирганлар орасида савдогар, тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси юқори. "Яхши" ва "ўрта" деб баҳолаганларнинг 60 фоизга яқини эса шифокор, ўқитувчи ва уй бекаларидан иборат.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, транспорт хизмати кўрсатишнинг умумий ҳолатини “ёмон” деб топганлар Булоқбоши ва Пахтаобод туманларида кузатилган. Мазкур туманларда бундай баҳо берганларнинг асосий қисми ҳайдовчи, фермер ва талабалар бўлган.

Навбатдаги савол туманлар транспорт инфратузилмасининг асосий қисми бўлган автомобиль йўллари ҳолатини баҳолашга қаратилди. Автомобиль йўлларининг ҳолатини “жуда яхши” деб баҳолаганларнинг энг кўпи Избоскан (29,1%) ва Андижон (26,4%) туманларида кузатилди (3.5-жадвал). Автомобиль йўлларининг ҳолатини “яхши” деганлар, Андижон туманидан ташқари, барча туманлардаги респондентларнинг ўртача 35 фоизини ташкил этган.

2-жадвал.

“Сиз яшаётган жойда автомобиль йўлларининг ҳолатини қандай баҳолайсиз?” саволига берилган жавоблар (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Жуда яхши	Яхши	Ўрта	Ёмон	Билмадим
1	Андижон	26,4	21,3	34,7	17,6	-
2	Балиқчи	-	30,4	20,8	48,8	-
3	Бўз	15,2	36,6	19,5	28,7	-
4	Булоқбоши	9,7	44,6	26,8	13,4	5,5
5	Жалақудуқ	11,5	31,7	42,3	12,4	2,1
6	Избоскан	29,1	31,7	27,8	11,4	-
7	Пахтаобод	11,9	38,0	36,2	14,2	-
	Жами	14,8	33,6	29,7	20,9	1,0

* Жадвал социологик сўровнома асосида тузилди.

Бундай йўлларнинг ҳолатини “ёмон” деб баҳо берганларнинг энг кўпи Балиқчи туманида (48,8 %) қайд этилди. Мазкур ҳудуддан давлат аҳамиятига эга бўлган Андижон-Чинобод-Наманган автомобиль йўли ўтган бўлишига қарамай, унинг чекка қишлоқларига яхши қопламали йўллар ётқизилмаган.

Шунингдек, туманнинг табиий шароити, аниқроқ қилиб айтганда, лойгарчиликнинг кўп бўлиши ҳам йўлларнинг тезда хизмат муддати тугашига сабаб бўлмоқда.

Кейинги савол бевосита бозор муносабатлари шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, унда *“Сиз кўпроқ қайси турдаги транспорт хизматидан фойдаланасиз?”* дейилган. Вилоятда давлат транспорти хусусий транспорт билан рақобат туфайли ўз фаолиятини деярли тўхтатди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2001 йилдан бошлаб Андижон шаҳрида тролейбус қатнови бутунлай йўқ бўлиб кетди. Юқоридаги саволга “хусусий транспортдан фойдаланаман” деб жавоб берганлар Андижон туманида 94,0 фоиз, Балиқчида 84,6, Пахтаобод туманида эса 80,0, Избосканда 78,8, Бўз туманида 69,4, Булоқбошида 60,1, Жалақудуқда 51,5 фоизни ташкил этган. Саволнинг давоми – *“Нима учун айнан хусусий транспортдан фойдаланасиз?”* дейилганда, кўпчилик “тезлиги ва қулайлиги учун” деган жавобларни берганлар. Шунингдек, давлат транспорти йўқлиги сабабли ҳам хусусий транспортдан фойдаланишга мажбур эканликларини билдиришган.

Давлат транспортдан фойдаланадиганлар Булоқбоши туманида 40,2 фоизни ташкил қилади. Улар, асосан, йўлкира ҳақларининг арзонлиги учун давлат транспортидан фойдаланишини айтган. Бундан ташқари, респондентлар узоқ масофаларга боришда кўпроқ давлат транспортидан фойдаланишини таъкидлаган. Шу билан бирга, давлат транспорти хусусийга нисбатан хавфсиз эканлигига ҳам ишонч билдирганлар. Энг кам давлат транспортидан фойдаланадиганлар Андижон (6,2 %) туманида аниқланди. Сабаб қисқа масофага қатнашда “Дамас” автомобилларида хусусий тадбиркорлар автобус нархида хизмат кўрсатаётганлигидир.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда йўловчи ташиш хизмати энг кўп фойдаланиладиган соҳалардандир. Чунки аҳолининг кундалик турмуш тарзи бевосита йўловчи ташиш хизматига боғлиқ. Шу мақсадда социологик сўровда йўловчи ташиш хизмати кўрсатиш ҳолатига эътибор қаратилди. *“Йўловчи ташиш хизматини қандай баҳолайсиз?”* саволига “жуда яхши” деб баҳо берганларнинг энг кўпи Булоқбоши (30,4%), Избоскан (29,4%) туманларига тўғри келади (3-жадвал).

Булоқбоши туманида “ёмон” жавобини ҳеч ким бермаган. Пахтаобод туманида эса “жуда яхши” жавоби олинмаган бўлишига қарамай, “яхши” баҳо берганлар 88,6 фоизни ташкил этган. Йўловчи ташиш хизматини энг кўп “ёмон” деб топганлар Жалақудуқ туманида (14,4) кўзга ташланади. Бу туман-даги респондентларнинг 52,6 фоизи аҳолига йўловчи ташиш хизматини “ўртача” деб топган. Албатта,

3-жадвал.

“Сиз яшаётган жойда йўловчи ташиш хизматини қандай баҳолайсиз?” саволига берилган жавоблар (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Жуда яхши	Яхши	Ўрта	Ёмон	Билмадим
1	Андижон	25,6	37,1	25,4	9,3	2,6
2	Балиқчи	18,8	58,1	10,6	12,5	-
3	Бўз	3,8	76,9	8,1	11,2	
4	Булоқбоши	30,4	32,9	31,2	-	5,5
5	Жалақудуқ	14,6	18,4	52,6	14,4	-
6	Избоскан	29,4	39,1	11,6	12,7	7,2
7	Пахтаобод	-	88,6	3,6	7,8	-
	Жами	17,5	50,3	20,4	9,7	2,1

* Жадвал социологик сўровнома асосида тузилди.

респондентларнинг бундай фикрга келишида йўловчи ташишга хизмат кўрсатаётган автомобилларнинг техник ҳолатидан тортиб йўловчилар билан бўладиган муомалагача бўлган жараёнлар ҳам назарга олинган деб айта олмаймиз. Юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиш мураккаб бўлганлиги сабабли Избоскан туманидаги респондентларнинг 7,2 фоизи “билмадим” деган жавобни бергандир.

Респондентларга *“Сиз яшаётган жойда аҳолига юк ташиш транспорти хизмати кўрсатишини қандай баҳолайсиз?”* саволини берганимизда, йўловчи ташиш хизматидан фарқ қилиб, “ўртача” деган фикрни кўпчилик маъқул кўрган. Бундай баҳонинг энг юқориси Балиқчи туманида (50,5) қайд этилди.

Юк ташиш транспорти хизматини “қониқарсиз” деб топганларнинг асосий қисми Бўз туманига (18,4 %) тўғри келади. Йўловчи ташиш транспортини энг кўп салбий баҳолаган Жалақудуқ туманида эса юк ташиш хизматига вилоятда энг кўп “жуда яхши” жавобини белгилашган. Мазкур саволни беришдан мақсад қишлоқ жойларда юк ташиш хизмати қандай йўлга қўйилганини респондентлардан аниқлаш эди. Тадқиқотлар натижасида Андижон вилоятида юк ташиш транспорти хизмати кўрсатиш йўловчи ташишга нисбатан сустроқ ривожлангани аниқланди.

Транспорт алоқаларни йўлга қўйиш ва уни бошқариш хусусий транспортлар сонининг ортиши билан мураккаблашди. Навбатдаги савол айнан *“Хусусий транспорт хизмати кўрсатиш Сизни қаноатлантирадими?”* кўринишида берилди. Мазкур саволга жами респондентларнинг 70 фоиздан ортиғи “ҳа” жавобини берганлар. “Сабабини ёзинг” деб мурожаат этилганда, хусусий транспорт манзилга тезда етказиши, айтилган жойгача олиб бориб қўйиши мумкинлиги ҳамда хусусий транспортни узоқ кутиб турмасликни айтганлар. Ҳатто йўлкира хақлари арзонлиги учун ҳам хусусий транспортни маъқул топишган.

4-жадвал.

“Ишга кўпроқ қандай транспорт воситасида борасиз?” саволига жавоблар таркиби (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Шахсий машинада	Автобусда	Микроавтобусда	Енгил машинада	Велосипедда	Пиёда
1	Андижон	5,7	12,3	60,1	19,0	0,2	2,7
2	Балиқчи	4,2	7,3	60,5	11,8	0,6	15,6
3	Бўз	4,1	10,4	49,2	19,1	0,5	16,7
4	Булоқбоши	6,5	20,1	38,4	20,7	-	14,3
5	Жалақудуқ	5,8	7,1	51,6	20,9	0,3	14,3
6	Избоскан	3,4	3,3	55,5	16,4	1,3	20,1
7	Пахтаобод	2,5	2,4	45,6	45,8	0,6	3,1
	Жами	4,5	9,0	51,4	22,1	0,5	12,5

*Жадвал социологик сўровнома асосида тузилди.

Аҳоли зич жойлашган ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Андижон вилоятининг меҳнатда бандлиги ҳам бевосита транспортнинг узлуксиз ишлашига боғлиқ. Шу сабабли уларнинг кўпроқ қайси транспорт воситасидан фойдаланишини ўрганиш мақсадида респондентларга *“Ишга кўпроқ қандай транспорт воситасида борасиз?”* деган савол билан мурожаат қилинди. Ишга шахсий машинада бораётганларнинг кўпи Булоқбоши (6,5 %), Жалақудуқ (5,8 %) ва Андижон (5,7%) туманларига тўғри келди (4-жадвал).

Автобусда қатнаётганлар орасида ҳам айнан Булоқбоши (20,1%) ва Андижон (12,7%) туманининг ҳиссаси катта.

Барча туманларда йўловчи ташишда салмоғи жиҳатидан микроавтобусларнинг улуши бошқа транспорт воситаларига нисбатан анча юқори. Бу жиҳатдан Андижон ва Балиқчи туманлари юқори кўрсаткичга, Булоқбоши тумани эса паст кўрсаткичга эга бўлган. Бунга сабаб Булоқбоши туманида автобус қатновининг яхши ташкил этилганлиги ва қолган туманлардаги транспорт уюшмаларида микроавтобуслар қатновининг йўлга қўйилганидир. Енгил машина (такси)да ишга борадиганлар Пахтаобод туманида кўп эканлиги сўровномада қатнашганларнинг фикридан маълум бўлди. Уларнинг 45,8 фоизи енгил машинадан фойдаланишини билдирганлар.

Ишга кўпроқ пиёда қатнайдиганлар салмоғи Избоскан (20,1%) ва Бўз (16,7%) туманларида юқори. Сўровнома натижасида маълум бўлдики, 1,5 км узоқликка бориш учун ҳам респондентларнинг айримлари автомобиль транспортидан фойдаланишар экан.

Голландия, Хитой, Корея, Ветьнам каби мамлакатларда аҳолининг асосий қисми транспорт воситаси сифатида велосипедлардан фойдаланади. Бу жисмоний ва иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан жуда фойдали транспорт воситасидир. Шу нуқтаи назардан респондентлар орқали аҳолининг мазкур транспорт воситасидан фойдаланишга мойиллигини ўрганиш ҳам маълум аҳамиятга эга. Сўровнома таҳлилидан маълум бўлдики, бор-йўғи респондентларнинг ҳар 500 тасидан 1 таси велосипеддан кундалик ишга бориб-келишда фойдаланар экан.

Автомобиллар сонининг йилдан-йилга кўпайиши, ёнилғининг камайиши турли ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур муаммоларнинг қисман олдини олиш мақсадида ишхоналарга келиб-кетишда велосипеддан фойдаланишни аста-секин йўлга қўйиш ва унинг ижобий томонларини аҳоли онгига сингдириш лозим.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳам жиддий муаммолар қаторига қўшилмоқда. Респондентлардан *“Сиз юрадиган йўналишда йўл ҳаракати хавфсизлиги қандай?”* деган савол билан мурожаат этилди. Унга “хавфли” деган жавоблар Андижон (40,3 %) ва Жалақудуқ (47,1 %) туманларида юқори (5 -жадвал). “Жуда хавфли” деб топганлар ҳам айнан шу иккала туманда юқори кўрсаткичга эга. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ўз йўналишларида “хавфсиз” деб топганлар Бўз (92,5 %) ва Пахтаобод (89,6 %) туманидаги респондентлардир.

5-жадвал.

“Сиз кўпроқ фойдаланадиган йўналишда йўл харакати хавфсизлиги қандай?” саволининг жавоблари (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Хавфли	Жуда хавфли	Хавфсиз
1	Андижон	40,3	11,5	48,2
2	Балиқчи	31,8	2,3	65,9
3	Бўз	2,8	4,7	92,5
4	Булоқбоши	23,8	4,1	72,1
5	Жалақудуқ	47,1	10,5	42,4
6	Избоскан	14,8	2,6	82,6
7	Пахтаобод	8,5	1,9	89,6
	Жами	24,1	5,4	70,5

*Манба: социологик сўровнома натижалари.

Андижон вилояти транспорт хизмати кўрсатишнинг анча арзонлиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажралиб туради. 2007 йилда шаҳар ичи йўналишларида қатновчи автобусларнинг нархи 100 сўмни ташкил этган. Айни шу вақтда Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 200 сўм эди. Ёнилғи нархларининг ошгани муносабати билан “Омадтранс” автокорхонаси томонидан автобуслардан фойдаланишни 150 сўмга чиқариб қўйилди. Бироқ аҳоли автобуслардан фойдаланмай қўйди, унинг ўрнига 100 сўмдан микроавтобусларда ёки 200 сўмдан “Дамас” автомобилида юришни афзал деб топди. Натижада автобуслардаги тарифлар яна 100 сўмга туширилди. Бу ҳол йил давомида 2 марта такрорланди. Йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари ўртасидаги рақобат йўл ҳақларининг кўтарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Респондентларга *“Йўл кира ҳақлари сизни қониқтирадими?”* деган савол билан мурожаат қилганимизда, Избоскан туманидаги респондентларнинг 89,6 фоизи “ҳа” жавобини берганлар (6-жадвал). Мазкур кўрсаткич Пахтаобод (75,2%) ва Булоқбоши (64,8%) туманларида ҳам юқори.

Сўровда Андижон вилояти транспортининг атроф муҳитга таъсири кўзда тутилган эди. Ушбу масала юзасидан берилган саволга сўровномада қатнашаётганларнинг кўпчилиги транспортнинг экологик таъсири

6-жадвал.

“Йўл кира хақлари сизни қониқтирадими?” саволига олинган жавоблар (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Ха	Йўқ	Билмадим
1	Андижон	50,5	24,8	24,7
2	Балиқчи	41,3	42,4	16,3
3	Бўз	38,2	52,6	9,2
4	Булоқбоши	64,8	33,7	1,5
5	Жалақудуқ	30,4	52,1	17,5
6	Избоскан	89,6	10,3	0,1
7	Пахтаобод	75,2	20,4	4,4
	Жами	55,7	33,8	10,5

*Жадвал социологик сўровномалар асосида ҳисоблаб чиқилди.

юқори эканлигини таъкидлаганлар. Жумладан, Андижон (57,8 %), Избоскан (56,7 %) туманларида энг юқори кўрсаткич қайд этилади, энг паст кўрсаткич эса Балиқчи (12,5 %) ва Жалақудуқ (17,6 %) туманларига тўғри келган. Жалақудуқ туманида бу кўрсаткич паст бўлишига қарамасдан, “ёмон” деган баҳони сўровномада иштирок этганларнинг 62,3 фоизи белгилашган (7-жадвал). Экологик муҳитга транспорт таъсирини “ўртача” деб билганлар Балиқчи (44,3%), Бўз (43,6 %) туманларига тўғри келади. Ҳатто бу туманлардаги респондентлар орасида транспортнинг атроф-муҳитга таъсирини “яхши” деб баҳолаганлар ҳам бўлган.

7-жадвал.

“Экологик муҳитга транспорт таъсирини баҳоланг?” саволига жавоблар (фоизда)*

Т.Р.	Туманлар	Жуда ёмон	Ёмон	Ўртача	Яхши
1	Андижон	57,9	20,3	21,8	-
2	Балиқчи	12,5	38,7	44,3	4,5
3	Бўз	34,5	21,3	43,6	0,6
4	Булоқбоши	40,1	25,4	34,5	-
5	Жалақудуқ	17,6	62,3	20,1	-
6	Избоскан	56,7	42,8	0,5	-
7	Пахтаобод	33,1	35,4	28,5	3,0
8	Жами	36,0	35,2	27,6	1,2

*Жадвал социологик сўровнома асосида тузилди.

Фарғона иқтисодий районида аҳоли манзилгоҳлари орасида транспорт қатновининг яхши йўлга қўйилгани аҳоли вақтини тежайди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш муаммоси, асосан, қишлоқ аҳолиси зич жойлашган ғарбий ва шарқий қисмлари учун хосдир.

Туманлар доирасида кўрадиган бўлсак, бу муаммо Балиқчи, Улуғнор, Бўз туманларининг ичкарида жойлашган қишлоқларида, Қўрғонтепа, Хўжаобод ва Булоқбошининг тоғ олди минтақаларида сезиларли. Бундай жойларда саноат корхоналари деярли мавжуд бўлмагани сабабли аксарият меҳнат ресурслари бошқа манзилгоҳларга бориб ишлайдилар. Маятниксимон мигрантлар сонининг кўплиги туфайли бу жойларда транспорт муаммоси бироз жиддийроқ.

Минтақанинг келажакда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун ҳозирги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, вужудга келган муаммоларни бартараф этиш зарур. Бу борада транспорт муаммоларини ҳал этиш имкониятлари ҳам йўқ эмас. Ҳозирда вилоятдаги аксарият автохўжаликлар иқтисодий қийинчиликлар туфайли тўлиқ фаолият кўрсатаётгани йўқ.

Улардаги кўпчилик автотранспорт воситалари, айниқса, автобус ва микроавтобуслар, баъзи ташкилотларга қарашли юк автомобиллари турли сабаблар натижасида фаолият кўрсатмаяпти. Агар шу машиналар аҳолига шахсий қилиб ёки ижарага берилса, бу ҳол давлат учун ҳам, аҳоли учун ҳам катта иқтисодий самарадорликка эга бўлади. Чунки бунда давлат бюджетига пул тушиши билан бирга, маълум бир қисм аҳоли доимий иш ўринлари билан таъминланади. Шунингдек, автобус ва микроавтобусларни аҳоли манзилгоҳлари орасида аҳоли қатнови учун жорий этиш билан вилоятдаги чекка ҳудудларнинг транспорт муаммосини ҳам ҳал қилиш имконияти туғилади.

Андижон давлат университети,
2010 йил 6 сентябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: доц. М.Мамажонов)